



Темурийлар даврида яратилган "Хамса"ларнинг
компаративистик тадқиқи ва уларнинг
Шарқ адабиёти тараққиётидаги ўрни

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ЯРАТИЛГАН
“ХАМСА”ЛАРНИНГ КОМПАРАТИВИСТИК
ТАДҚИҚИ ВА УЛАРНИНГ ШАРҚ АДАБИЁТИ
ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ

мавзуидаги халқаро илмий-назарий анжуман

(6-7 ноябрь 2020 й)

Самарқанд - 2020

УДК: 891.709

Ушбу тўпламга Самарқанд Давлат Университети филология факультетида Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги олдидан 2017-2021 йилларга мўлжалланган ОТ-Ф1-138 – «Темурийлар даврида яратилган “Хамса”ларнинг компаративистик тадқиқи» номли фундаментал лойиҳа ижроси доирасида ташкил этилган *«Темурийлар даврида яратилган “Хамса”ларнинг компаративистик тадқиқи ва уларнинг Шарқ адабиёти тараққиётидаги ўрни»* мавзусидаги халқаро илмий-назарий анжуман катнашчиларининг мақолалари киритилган.

Тўпламдан ўрин олган мақолаларнинг савияси, сифати ва илмий далилларнинг аниқлиги юзасидан муаллифлар масъулдир.

Масъул муҳаррир:

Муслихиддин Мухиддинов
филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Нурбой Жабборов
филология фанлари доктори, профессор
Нафас Шодмонов
филология фанлари доктори, профессор

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Р.И.Халмурадов (таҳрир ҳайъати раиси)
М.Қ.Мухиддинов (масъул муҳаррир)
Алмаз Улви Биннатова (Озарбайжон)
А.Абдукодиров (Тожикистон)
В.Элбоев (Тожикистон)
Хон Хусайн Окиб (Ҳиндистон)
И.К.Мирзаев, филология фанлари доктори, профессор
Ж.Ҳамроев, филология фанлари доктори, профессор
Ж.Д.Элтазаров, филология фанлари доктори, профессор
А.Б.Пардаев, филология фанлари доктори, профессор
И.И.Сулаймонов, филология фанлари доктори
Д.Юсупова, филология фанлари доктори
А.Эркинов, филология фанлари доктори

Нашрга тайёрловчилар:

С.Тоҳиров, филология фанлари номзоди, доцент
Г.Холиқулова, филология фанлари номзоди, доцент
Н.Мухитдинова, PhD, доцент

Мусаххихлар:

М.Ҳасанова, PhD, ўқитувчи
А.Раззоқов, PhD, ўқитувчи
Д.Муминова, ўқитувчи

© Самарқанд давлат университети,
«СамДУ» нашриёти, 2020

2. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Ингирма томлик. Ҳи еттинчи том, Насоийим ул-мухаббат. – Тошкент: Фан, 2001. – 519 б.
3. Бертельс Е.Э. Избранные труды. Низами и Физули. – Москва: Наука, 1962. – 552 с.
4. Шайх Низомий Ганжавий. Махзан ул-асрор (Сирлар хазинаси). Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаи. – Тошкент: Камалак, 2016. – 216 б.
5. Юсупова Дилнавоз. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (Алишер Навоий даври). – Тошкент: Akademnashr, 2013. – 272 б.
6. Давлатов О. Алишер Навоийнинг «Хайрат ул-аброр» достонидаги баемала бобининг кийсий таҳлили. // «Ўзбекистонда хорижий тиллар» илмий-методик электрон журнал, 2017, № 1, 178-187-бетлар.
7. Nizami Ganjavi. Əsərləri. 2 cilddə. 1-ci cild. Sirlər xəzinəsi. Xosrov və Şirin. Leyli və Məcnun. Lirik şeirlər. – Bakı: Şərq-Qərb, 2013. – 780 s.

«САДДИ ИСКАНДАРИЙ» КОМПОЗИЦИЯСИНИНГ КОМПАРАТИВИСТИК ТАҲЛИЛИ

Илѳс ИСМОИЛОВ
филология фанлари бўйича Ph.D.
Алишер Навоий номидаги Тошкент
давлат ўзбек тили ва адабиёти университети
ismoilov_iles@mail.ru
93 587 25 89

Comparative analysis of the composition "Saddi Iskandariy"

Annotation

In this article, the composition of Alisher Navoi's epic called "Saddi Iskandari" has studied comparatively with the structure of Nizami, Dehlavi, and Jami's works titled "Iskandarnoma". In addition to that, several views related to the composition of the work in the literature are analysed in a comparative aspect.

Keywords: Alisher Navoi, "Saddi Iskandariy", composition, comparative study, synthesis, the art of writing "Khamsa", poetry.

«Садди Искандарий» композициясини тўғри тушуниш Навоийнинг бадийий мақсади ва асар мохиятини тўғри талқин этишда хал қилувчи ахамиятга эга. «Садди Искандарий» композицияен деган тушунча мазмунан уч жихатни камраб олади:

1. Дебоча (I – X боблар) композицияси.
2. Асосий қисм (XI – XXVIII боблар) композицияси.
3. Хотима (XXIX – XXXIV боблар) композицияси.

Мазкур мақолада фақат асосий қисмининг композицияенга тўхталамиз.

Асосий қисм композицияен бугунга қадар энг кўп баҳсга сабаб бўлган. «Асосий боблар композицияси» деганда XI – XXVIII боблар назарда тутилади ва уларнинг хар бири тўрт бўлимдан иборат. Адабиётшунослиқда «Садди Искандарий» асосий қисмининг композицияен борасида икки хил қараш мавжуд. Биринчи қараш тарафдорлари асосий қисм композицияен **назарий масала, ҳикоя, ҳикмат, саргузашт** тартибда ташкил топган деса [13, 174 – 175-б.; 4, с. 349 – 382; 5, 503-б.; 10, 154-б.], иккинчи қаран тарафдорлари **саргузашт, назарий масала, ҳикоя, ҳикмат** тарзда тартибланган деган қарашни илгари суради [16, 252-б.; 17, 128-б.; 15, 169-б.]. Унутмаслик керакки, асар композицияси адабиётшунос томонидан эмас, балки адабий мақсаддан келиб чиқиб муаллиф томонидан белгиланади, у адабиётшуносега қадар аниқ конструкцияга эга бўлиб улгуради. Достон структураси онгимиздаги система эмас, балки объектив борлиқда мавжуд бўлган воқелик. Асарга ёндашув ва тушуниш тарзи туфайли мутахассислар фикри муаллиф қарашларидан фарқ қилиши ёки унга мос келиши мумкин, бирок хар қандай талқин ёки таҳлилда муаллиф қарашлари бош мезон бўлсагина мазмун тўғри кашф этилади.

Навой «Садди Искандарий» композицияси қандай тузилганини амалда кўрсатишдан ташқари, бу қарорга қандай келгани хақида ҳам махсус тўхталган. У бир ўринда дostonни ёзишдаги асосий муаммолар хусусида шундай ёзади:

Бу янглиғ етиб тўрти итмомига,
Бири етмаиш эрди анжомига.
Шуруъи доғи нопадидор ўлуб
Ки, тағйир вазъига душвор ўлуб.
Латойиф топишмас эди онча ҳам,
Яна тўртига лоҳик ўлғонча ҳам.
Кўнгулда топилмасдин озор эди,
Ва лекин топар фикрида бор эди [7, 61-б.].

Мана шу уч масала – нимани ёзиш, қандай ёзиш ва қай тарзда тартиблаш Навойнинг жиддий ўйлантирган. Навой юкоридаги муаммолар тўғрисида бош котириб юрар экан. Жомийнинг исқандарнома ёзаётгани, Искандарнинг холоти (ишлари)га эътибор қаратмай, фақат мақолоти (сўзлари)ни қаламга олаётганини эшитлади. Жомий тутган йўл Навойнинг «Садди Искандарий»ни қандай ёзиш борасида бир қарорга келишига туртки бўлади. Навой шундан сўнг куйидагича йўл тутишга қарор қилади:

Йўнуб хома, қоғаз нигориш қилай,
Ҳам ул дostonни гузориш қилай.
Сқандар жаҳондори кишварситон
Ишидин чу назм ўлса ҳар дoston.
Сўзидин доғи яхши такриб ила,
Ҳам ул дoston зайлида зеб ила,
Сурай хикматосо мақолотини,
Сўз ичра ажойиб хаёлотини...
Ки, фарзоналар деб кўп афсона ҳам,
Сўзин назм этибдур бу фарзона ҳам.
Қадам урсам ўшбу ики йўлга мен,
Неким борча дебдур, демиш бўлгамен [7, 62-б.].

Демак, Навой Искандарнинг ҳам холоти (саргузашти)ни, ҳам мақолоти (хикматли сўзлари)ни ёзишга қарор қилади, бу ўз навбатида Навойга Искандарга онд беҳисоб материалнинг кенгрок камраб олиш имконини берарди. Бу қарор Навойнинг Низомий, Дехлавий ва Жомийлардан фарқли йўл тутгани ва дostonи оригиналлигини кўрсатувчи яққол далил. Чунки Низомий ва Дехлавий асосий эътиборни Искандарнинг холотига, Жомий мақолотига қаратган. Навой эса салафларининг бу борадаги йўллари бирлаштириш орқали, ўзига хос янги йўл кашф этган.

Юкоридаги парчада Навойнинг дoston композицияси борасида ҳам бир қарорга келгани акс этган: *қалам йўниб, қоғоз безаб дoston хикоя қилай ва Искандар ишининг ҳар дostonи (қиссаси) назм бўлсин. Қисса зайлида³ – охирида (ортидан) яхши бир баҳона билан сўзларини, ундаги ажойиб хаёлотини зеб билан баён қилсам, дoston зеби элга фириб берганидек сўздан ҳам фириб етса, асарнинг зеби янада ортади. Агар фарзоналар (Низомий ва Дехлавий – И.И.) кўп афсонасини айтган бўлса, бу фарзона (Жомий – И.И.) сўзини назм этди. Мен ўшбу икки йўлга қадам қўйсам, уларнинг барча айтганларини айтган бўлгаман.* Демак, Навой дастлаб Искандар қиссасини хикоя қилиш ва ортидан бир баҳона билан илова сифатида Искандар сўзларини тасвирлашга қарор қилган. Бу фикр «Хикмат»лар «Саргузашт»дан кейин жойлаштирилганини тасдиқлайди, ўз-ўзидан, асосий боблар композицияси «Саргузашт», «Назарий масала», «Хикоя» ва «Хикмат» тарзида тузилгани маълум бўлади. Бундан Навойнинг Искандар қиссасига асосий мақсад деб қарагани, кейинги уч қисмни эса қўшимча восита (зеб) деб билгани аниқ англашилиб турибди. Навойнинг мазкур фикрлари асосий қисм композициясини белгилашда методологик асос бўлиши керак.

Агар «Садди Искандарий»нинг асосий боблари конструкцияси **назарий масала, хикоя, хикмат, саргузашт** тартибида тушунилса, дostonни «Ҳайрат ул-аброр», «Қутадғу билиг» ёки «Насихат ул-мулук» типигаги асарлар сингари алоҳида мавзулардан таркиб топган ахлоқий-

³ “Зайл” – доман, бирор нарсанинг охири, қўшимча, илова маъноларини англатади. Қаранг: [8, 240-241-б.; 12, с. 430 - 431; 6, с. 360]

дидактик асар сифатида талкин этишига тўғри келади. Навоийнинг асосий мақсади эса ахлоқий-дидактик гояларини ифодалаш эмас, Искандар тарихини нағм қилиш эди, у буни XI боб сарлавҳасидаёқ махсус қайд этган. Иккинчидан, бундай ёндашув Искандар хикматлардаги савол-жавоблардан маънавий қуролланиб, амалий ҳаракатга ўтган дейишни талаб этади, бу эса ўз ўзидан дoston сюжети хикматлардан бошланади дейишига олиб келади. Ҳолбуки, сюжет хикматлардан эмас, саргузаштлардан бошланади. Учинчидан, бунида бош қаҳрамон билан боғлиқ сюжетнинг узиниқлигига путур етади, айни шу жиҳатга эътибор қаратилса, дoston бирор назарий масала ёки мавзулар асосига қурилган, алоҳида-алоҳида йирик боблардан ташкил топган деган фикрни илгари суриб бўлмаслиги маълум бўлади. Тўртинчидан, модомки назарий қарашларга хикоят исбот экан, маселанинг хикматда яна муҳокама қилиниши нимани аниқлатади? Афсуски, биринчи қарашга асосланиб, бу саволга жавоб бериб бўлмайди.

Дастлабки қараш тарафдорлари дostonнинг асосий қисми «Ҳиммат ҳумоийнинг баландпарвозлиги таърифидаким...» (XVI) бўлимидан бошланади деб ҳисоблашади. Навоийнинг ўзи эса XI бўлим сарлавҳасини «Бу гавхарфишонликнинг чуқ улуг мақсуд тарих илми махванига вукуф топмоғлиг...» дейиши орқали асарнинг асосий қисмини тасвирлашга киришаётганига аниқ ишора қилади. Биринчи қараш тарафдорлари дostonни кўпроқ ижтимоий-сиёсий панднома сифатида қабул қилишига мойиллик кўрсатишган, шу бонс алоҳида мавзулардан таркиб топган асар дейишига имкон берувчи структурани ёқлашади. Бунида уларни икки омил қалитган бўлиши керак, бири, Хусрав Дехлавий дostonни композициясен, иккинчиси, дастлабки хикматнинг мазмунидан кейинги бобдаги Искандарнинг тождан бош тортиши воқеаси билан мутаносиблиги.

Е.Э.Бертельс ўз тадқиқотида Хусрав дostonидан сўнг «Садди Искандарий»ни таҳлил этади ва айни мана шу жараён олимни бироз қалитган бўлиши мумкин. Бунида фақат таҳлилдаги кетма-кетлик эмас, Хусрав дostonидаги учровчи баъзи образ, эпизод ва деталларнинг Навоий дostonига ўтган унинг Навоий композиция борасида ҳам Хусравга эргашган деган фикрга келишида туртки бўлган бўлиши эҳтимол. Бундай ўйланга асос бўлган иккинчи омил дostonдаги биринчи хикмат бўлиши керак. Биринчи қараш тарафдорлари дostonнинг дастлабки асосий боби «Ҳиммат таърифи...» (XVI), «Искандар ва ул гадолик ихтиёр этган подшо...» хикояти (XVII), «...мақсудга қайси маком яқинроқ» экани тўғрисидаги хикмат (XVIII) ва «Искандарнинг хилофат тахтидин оёқ торқони...» воқеаси (XIX) каби тўрт бўлимдан иборат деб қарашади. Мазкур тўртликнинг учинчи қисми бўлган хикматда гадолик шохликдан устуи деган хулоса баён қилинган, ундан кейинги қисмда эса Искандарнинг шохликдан бош тортиши воқеаси тасвирланади. Айни мана шу кетма-кетлик хикмат ҳақидаги назарий боб, унинг мазмунига мувофиқ хикоя, уларнинг хулосасини жамлаган хикмат ва ундан сўнг уларга мос Искандар билан боғлиқ эпизод келади деган тасаввурни беради. Натижада дoston композициясен **назарий масала, хикоя, хикмат, саргузашт** тартибидаги тўрт бўлакни ўз ичига олган алоҳида боблардан ташкил топган, деган фикр илгари сурилган. Аслида, саргузаштдан ташқари уч қисм воқеалар ривожини билан мазмунидан алоқадор бўлиб, бевосита саргузаштга дахл қилмайди. Шу бонс Искандарнинг тождан бош тортиши фикрига келиши ундан олдинги қисмдаги хикоя ёки Арасту билан суҳбат натижаси, деб тушуниш тўғри эмас. Аслида, Навоий XV бўлимдаёқ XIX бўлимда тасвирланган Искандарнинг тождан бош тортишининг муҳим асосларига ишора қилиб кетган.

Искандар отаси вафотида дунёнинг фонийлиги борасидаги назарий қарашларининг конкрет ифодасини кўради, шу бонс нафақат тахт, балки оламни тарк этиш фикрига тушади. Искандар бунига қадар дунёнинг фонийлигини, муқайяд жаҳондордан фақирнинг афзаллигини яқини тушунган. Искандарда дунёдан воз кечиш нияти бўлса-да, бундай қила олмайди, сабаби, Навоийнинг кўрсатишича, отасининг васияти ва Искандарнинг ҳимматидир. Шунингдек, Искандар вазият такозосига кўра ўзининг асл ниятини яширин тутиб, тахтга чиқишига мажбур бўлади. Навоий бобнинг хотимасида Искандарнинг ботиний кечинмаларини лўнда хулосалаб берган:

Навоий, жаҳоннинг фирибин ема,
Хирад олмида нақшу зебин дема.
Чу даврон иши бевафолқидурур,
Фузуи шохлиғдин гадоликқидурур.
Гадоеки қайд ўлғай андин йирик,
Муқайяд жаҳондордин яхшироқ [7, 95-б.].

«Химмат таърифи...» (XVI), «Искандар ва ул гадолиг ихтиёр этган подшо...» хикояти (XVII), «Мақсудга қайси мақом яқинроқ...» экани тўғрисидаги хикмат (XVIII) қисмлари, аслида, мана шу уч байтнинг назарий, кўرғазмали ва фалсафий-ирфоний шарҳи, бошқача қилиб айтилса, буларнинг барчаси Искандар кечинмаларининг чуқур таҳлили.

Навойй Искандар саргузаштларининг дастлабки қисмида қахрамоннинг мазкур кайфиятига ишора қилади, холос. Бу ҳолатни батафсил тушунтириш вазифасини эса ундан кейинги уч илова зиммасига юклайди. Навбатдаги бобнинг дастлабки қисмида биринчи бобдаги Искандар билан боғлиқ сюжетнинг узвий давоми хикоя қилинади. Унда Искандар қалбида яширин қолган дарвешлик нияти қахрамон томонидан халққа ошқор этилади. Бу эса аввалги бобнинг ҳулосаси бўлган хикматда илгари сурилган «шоҳликдан гадоликнинг афзаллиги» ҳақидаги ғоянинг натижасига ўхшаб қолган. Шу биле биринчи қараш тарафдорлари, аслида, учинчи бобнинг боши бўлган саргузаштнинг иккинчи бобнинг якуни деб тушунишган⁴. Буни учинчи бобнинг тузилиши ҳам асослайди.

Агар дoston улар айтганидек тузилган бўлса, учинчи боб адолат ҳақидаги назарий боб билан бошланиши керак, табиийки, бобнинг тўртинчи қисми ҳам Искандарнинг адолатга доир ишлари тасвиридан иборат бўлиши зарур. Аммо тўртинчи қисм адолат ҳақида эмас, балки Искандарнинг бутун фаолияти давомида амалга оширган ишларининг қисқача хронологиясидан иборат, адолат ҳақида умуман гап йўқ. Ҳолбуки, Навойй Искандарнинг адолатга доир ишларини адолат ҳақидаги назарий бобдан олдин, яъни учинчи бобнинг саргузашт қисми сўнгида батафсил тасвирлаган. Қолаверса, биринчи қараш тарафдорлари адолат ҳақидаги учинчи бобнинг тўртинчи қисми сифатида қараган Искандарнинг умумий тарихи баёни, аслида, тўртинчи бобнинг саргузашт қисми бўлиб, шу қисм охирида Доро ва Искандар муҳолифати хусусида сўз боради ва кейинги уч илова муҳолифат масаласининг назарий таҳлилига бағишланади. Шу ҳолатнинг ўзи ҳам боблар дастлабки қараш тарафдорлари айтганидек таркибланмаганини кўрсатади.

Дoston конструкциясини бундай тушуниш Е.Э.Бертельсга дostonни ўзига хос «Хираднома» сифатида тушунтириш, Навоййнинг ҳам асосий мақсади хираднома яратиш бўлган деган қарашни илгари суришига асос бўлиб хизмат қиларди. Е.Э.Бертельс Жомий учун даҳмаза бўлган Искандар афсонасининг Навойй томонидан сақлаб қолинишини улар ўртасидаги асосий фарқлардан бири сифатида кўрсатади, аммо Навойй нима учун шундай қилганини изоҳламайди. Гап шундаки, Навойй Жомий билан бу борада ҳаммаслақ бўлса-да, унинг Искандар мавзусига муносабати Жомийникидан фарқ қилган. Навойй фақат «Насихат ул-мулук» типидagi асар яратишни мақсад қилганида Жомий йўлини тутган бўларди, яъни унга Искандар воқеасидан иллюстрация сифатида фойдаланишга эҳтиёж қолмасди. Навойй биринчи навбатда тарихий мавзуда асар яратишни мақсад қилган, чунки бу анъана талаби эди. Навоййнинг мақсади туркий тилда Шарк бадиятининг энг юксак мезони бўлган ҳамсанавислик талабларига тўла жавоб бера оладиган асар яратиш ва бунда бирор жиддий мулоҳазага ўрин қолдирмаслик эди. Хусрав ва Жомийларнинг янгиликларга дадил қўл уриши бир жиҳатдан табиий, чунки форс адабиёти бу борада муайян тажрибага эга бўлиб, намуна сифатида қабул қилинган «Хамса» шу тилда яратилганди. Навойй «Хамса»си эса туркий тилда биринчи намуна эди, шу биле у Хусрав ёки Жомийларга нисбатан биров «масъулиятлироқ» бўлиши, туркий тилнинг имкониятини кўрсатиш учун «Хамса» яратишда жиддий эътирозга ўрин қолдирмайдиган йўлни танлаши, Низомий «Хамса»сидан келиб чиқувчи классик талабларни тўла бажариши лозим эди. Шу биле Навойй дostonдаги тарихий қиссани «шунчаки иллюстрация» деб тушуниш ўзини оқламайди. Навойй ҳамсанавислик талабига кўра тарихий мавзуда ёзиши керак эди, иккинчидан, бу мавзу Навоййга ўзининг энг юксак идеалларни ифодалаш, қолаверса, йирик арбоб сифатида даврнинг муҳим масалаларига ўзига хос ечим кўрсатишида ҳам қўл келарди.

Е.Э.Бертельс «Садди Искандарий»даги Искандар биографияси тасвирига жиддий эътибор қаратмайди, унинг мавқени камайтириб, фақат кўрғазма вазифасини бажарувчи восита сифатида талқин этади. Бу табиий, чунки у дoston композициясини назарий умумлашма, хикоя, хикмат ва саргузашт тарзида тушунган, бундай қараш дастлабки уч қисмни мутлақлаштиришга йўл очиб беради. Шунингдек, Шарк адабиётида ҳамсанависликка қадар Искандар билан боғлиқ воқеалардан бадий иллюстрация сифатида фойдаланиш анъанаси мавжуд эди [9, с. 142 – 143; 14, с. 40].

⁴ Бизнингча, тўрт сулола ҳақидаги тўрт фасл «Садди Искандарий»нинг дастлабки асосий бобидир. Шу ердан бошлаб дoston ҳар бири тўрт бўлимдан иборат боблардан таркиб топиб боради.

Структурани бундай тушуниш, табиийки, адабиётшунослигимизда урф бўлган *Навоий дostonидаги Искандар тарихий шахс эмас, у ижодкорнинг идеаллик борасидаги қарашлари тажассуми* деган фикр мутлақлашиб кетишига олиб келди. Дostonнинг тарихий илдизи масаласи, Навоийнинг бу масалага ёндашув принциплари, қисқаси, «Садди Искандарий»нинг аввало тарихий асосларга эга ўтмиш мавзудаги асар экани «унутилди». Ҳолбуки, Навоий асарни ёзишда юзлаб тарихий асарлар билан танишиб, Искандар тарихи билан махсус кизиққан ва асосий қисмининг I боби сарлавҳасида асарни ёзишдан мақсади *тарих илми махзанига вуқуф топмоғли* эканини махсус кайд этган.

Дастлабки қараш тарафдорлари ўз тадқиқотларида кўпроқ асарнинг ижтимоий жиҳатларига эътибор қаратишган. Е.Э.Бертельсн Искандарнинг тарихий саргузаштига қараганда назарий масала, хикоя ва ҳикмат қисмлари кўпроқ кизиқтирган, чунки уларда муаллифнинг ўз даври ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид қайдлари, муносабати аниқроқ кўзга ташланар эди. Айни мана шу омил дostonда тарихий қисса ёки тарихий идеал масаласи асосий ўрин тутишини кайд этишига тўсқинлик қилган. Агар композиция **саргузашт, назарий масала, хикоя** ва **ҳикмат** тарзида қабул қилинганида дostonнинг тарихийлик жиҳати биринчи планга чиқар, табиийки, кейинги уч қисм унга мувофиқ таҳлил этиларди. Ана шунда Навоий бу дostonни ёзишда мамлакат ҳукмдори ёки шахзодаларга ўғит беришни ёки сиёсий ўғитнома ёзишни мақсад қилган деган фикрни илгари суришдан олдин Навоий, аввало, тарихий мавзуда асар ёзишни, бу борада ўз салоҳияти ва бадний маҳоратини намоён этиш, «Хамса»ни муносиб якутлаш, пировардида туркий тил имкониятларини дунёга тараннум этишни мақсад қилган деган холис илмий фикр кайд этилган бўларди. Бизнингча, дostonнинг асосий қисмлари билан бир пайтда иловаларни ҳам тенг таҳлил этиш, уларни мутлақлаштирмаган ҳолда ёндашиш объектив хулосаларга келиш имконини беради. Ана шунда дostonнинг тарихийлиги ва муаллифнинг бадний-эстетик ақидаларига ёндашув масаласи мўътадиллик касб этади.

Навоий шу тарихи XI бўлимдан XXVIII бўлимга қадар ҳар тўрт қисмини яхлит композицияга бирлаштириб боради, уларни ягона ғоя лейтмотив сифатида умумлаштиради. Тузилишдаги бундай ўзига хослик исқандарномаларнинг ҳеч бирида учрамайди. Мақсаднинг бундай кўламдор ифодаси Шарк адабиёти учун янгилик эмас, маълум мавзуга оид назарий фикр билдиргач, унинг исботи учун хикоя ёки бадний лавҳа келтириш Шарк мумтоз адабиётида кен қўлланивчи усул. Масалан, Хусрав Дехлавийнинг «Ойинаи Искандарий» ва Жомийнинг «Хирадномаи Искандарий» дostonларида шу усул яққол намоён бўлган, уларда масаланинг назарий баёни билан амалий баёни аниқ чегараларга эга. Аслида, Навоий дostonида ҳам шунга ўхшаш принцип мавжуд, яъни тафсилотларнинг бир қисми масаланинг назарий жиҳатини, иккинчи қисми эса амалий жиҳатини намоён қилади. Навоий Искандар саргузаштини хикоя қилар экан маълум вазият тақозоси, воқеалар мазмуни, «бирор баҳона билан» Искандарнинг хатти-харакатини чуқурроқ ва кенгроқ тушунтириш мақсадида уч иловани олиб қиради. Бунда назарий фикр ва уни исботлаш усули анча мураккабланган, аслида, Искандар қиссаси амалий қисм ва қолган уч илова унинг назарий қисмлари, аммо Навоий композициясида иккинчи қисм бўлган назарий қисмининг ичида ҳам назарий фикр ва амалий исбот усули қўлланган. Навоий бунга ҳам қаноат қилмай тўртликнинг 2- ва 3- қисмларидан сўнг юнон ҳақимлари ва Искандар савол-жавоби эпизоди орқали масалани конкрет қўяди ва ҳал этади, натижада, боб композицияси янада яхлитлашган.

Навоий «Садди Искандарий»да Низомий ва Хусрав дostonларидаги композицияга оид тажрибаларни ривожлантирган. Жомий ва Навоий дostonлари мазмунида яқинлик бўлса-да, композициясига кўра бир-бирдан бутунлай фарқ қилади [2, 10 – 14-б.; 11, 170 – 182-б.; 3, с. 121]. Навоий ўз дostonини ҳам мазмунан, ҳам тузилишига кўра ривожлантирган, бадний концепцияси учун мураккаб ва оригинал ифода танлаган [1, 82 – 93-б.]. Хусусан, Жомий асаридида ҳаракатдаги воқелик – сюжет деярли учрамайди, муаллиф кўпроқ Искандар билан боғлиқ фалсафий сўзлар, воқеа-ҳодисалар ифодасига эътибор қаратади. «Хираднома» композицияси дидактик мақсад учун хизмат қилдирилган, яъни «Жомий дostonи ўзининг «Силсилат уз-заҳаб», «Тухфат ул-аҳрор» ва «Субҳат ул-аҳрор» асарлари услубида ёзилган» [1, 91-б.]. Навоий дostonида эса дидактика, панд-насихат мукамал бадний қобик – мураккаб композиция билан мувофиқлаштирилганки, у деярли соф (шахзодалар мадҳини эътиборга олмаганда) эстетик ҳодиса сифатида қабул қилинади.

Адабиётлар

1. Абдукодилов А. Мавлоно Абдурахмон Жомий ва Амир Алишер Навоий. – Хучанд: Нури маърифат, 2014. – 208 с.
2. Абдукодилов А. «Садли Искандарий»: анъана ва ўзига хослик // Ўзбек тили ва адабиёти, 2014. – № 1. – Б.10 – 14.
3. Азимов Ю. Абдурахмон Жомий «Хирадномайи Искандарий» дostonининг киёсий-типологик тахлили: Филол. фан. номз. ...дисс. – Самарканд, 1996. – 143 с.
4. Бергельс Е.Э. Избранные труды. Том 4. Навои и Джами. – Москва: Наука, 1965. – 499 с.
5. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1976. – 662 б.
6. Муҳаммад Гиёсуддин. Гиёс ул-луғот. Иборат аз 3 жилд. Ж.1. – Душанбе: Адиб, 1987. – 480 с.
7. Навоий А. МАТ. 20 томлик. Т.9. – Тошкент: Фан, 1992. – 356 б.
8. Навоий асарлари луғати. Тузувчилар Шамсиев П., Иброҳимов С. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – 782 б.
9. Низомулмулк. Сиёсатнома. – Душанбе: Адиб, 1989. – 200 с.
10. Сулаймонова Ф. Шарк ва Ғарб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 414 б.
11. Тоутант М. Навоий ва Жомий // Жаҳон адабиёти, 2016. – № 2. – Б. 170 – 182.
12. Фарҳанги забони тоҷикӣ (аз асри X то ибтидои асри XX). Иборат аз ду жилд. Дар зери таҳрири М.Шукуров вад. Чилди I. – Москва: Советская энциклопедия, 1969. – 952с.
13. Шарафуддинов О. Алишер Навоий. – Тошкент: Ўздавнашр, 1948. – 79 б.
14. Шерозӣ С. Гулистон. – Душанбе: Нашриёти давлати Тоҷикистон, 1962. – 141 с.
15. Юсупова Д. Ўзбек мумтоз ва миллий уйғониш адабиёти. – Тошкент: Tamaddun, 2016. – 304 б.
16. Қанонов А. Навоий «Хамса»си. Асарлар. Т. I, К.2. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2008. – 400 б.
17. Ҳайитов А. Алишер Навоий «Хамса»сини насрийлаштириш: анъана, табдил ва талқин: Филол. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 2000. – 168 б.

“MANTIQ UT-TAYR” VA “LISON UT-TAYR” DOSTONLARIDA ISHQ TALQINI

*Qahhorova Shahnoza Abdimo‘minovna,
Filologiya fanlari nomzodi, dotsent,
Qarshi davlat universiteti
shahnozok69@mail.ru*

Poetic interpretation of divine love (ishq) in the epic “Mantiq ut-Tayr” and “Lison ut-Tayr”

Annotation: In the article It is conceived about the interpretation of the divine love in the epic poems of "Mantiq ut-tayr" and "Lison ut-tayr".

Key words: wanderer, parking lots, wandering, nonexistence, eternity, proximity, love.

Tasavvuf insoniyat yaratgan ma'naviy-ruhiy kashfiyotlardan biri bo'lgan murakkab ta'limotdir. Tasavvufni lo'nda qilib ilohiy muhabbat haqidagi ilm deyish mumkin. Chunki tasavvuf ilohiy ma'rifatni egallash, Allohning sifat va ismlari orqali Uning zotini bilish va tanishni talab qilar ekan. buni aql va nazariy tafakkuriy bilimlar bilan emas, balki yashirin bir ichki tuyg'u, botiniy basirat, ya'ni muhabbat vositasida amalga oshirish mumkin, deb ta'lim beradi [Komilov, 1:48]

Solikdan ma'lum bosqichlarni bosib o'tishi talab etiladi. Lekin bu bosqichlar ichida ishq, tavid, fano muhim ahamiyat kasb etadi.

Fariduddin Attorning “Mantiq ut-tayr” va Alisher Navoiyning “Lison ut-tayr” dostonlarida tasavvufning muayyan mavzulari, shu jumladan, ilohiy ishq nihoyat darajada yorqin badiiy talqin qilingan.

Tasavvuf ta'limotida ilohiy ishq solik ma'naviy kamolotining eng yuqori bosqichi fano uchun dominant vazifasini o'taydi. Ishaq oshiqni baqo olamiga olib boruvchi olov, Ishaq solik shavqu zavqi. mushohada-mukoshifasini tezlastiruvchi kuch. Qalbdagi ishq olovi qanchalik kuchli bo'lsa, solik haqqa yetishmoq pog'onalaridan shuncha oson ko'tarila boradi.

МУНДARIЖA

Сўз боши.....	3
I. Темурийлар даврида яратилган "Хамса" ларнинг компаративистик тадқиқи	
<i>Ватхўржмак Ё.</i> "Хамса" ёзиш аъёнисига Алишер Навоийнинг муносабати	5
<i>Мухиддинов М.</i> "Хамса" ларнинг биринчи дostonларида Хафизги Навоийнинг сиймоси тасвири.....	9
<i>Абдуқодирова А.</i> Абдуллох Хотифий "Хамса" си.....	18
<i>Жабборов Н.</i> Низомий Ганжавий ва Алишер Навоий "Хамса"ларида ижод композициясининг ўзига хослиги.....	21
<i>Khan Nasriddin Amir Khamisa-e-Khusrav and Khamisa-e-Nizami: a comparison</i>	28
<i>Сулaimонов М.</i> Қиссий Фарход шўрнинг эрури.....	38
<i>Сулaimонов Т., Рухманова Р.</i> Низомийнинг «Махзан ул-асрор» ва Навоийнинг «Хафиз ул-аброр» дostonларида муножотлар тахлили.....	41
<i>Исмомитов Н.</i> «Садди Нескандарий» композициясининг компаративистик тахлили.....	44
<i>Qahhorova Sh.</i> "Mantiq ut-tayr" va "Lison ut-tayr" dostonlarida ISHQ talqini.....	49
II. Шарк маснавийнавислиги тарихи ва тараккиёти адабий таъсир ва типология масалалари.	
<i>Султонмурод О.</i> Тасаввуфий тавба типологияси ("Лайли ва Мажнун" ҳамда "Лисон ул-тайр" китоби асосида).....	52
<i>Жумъакул Х.</i> Мир Алишер Навоий ва форс-тожик адабиёти.....	55
<i>Шарипов Ш.</i> Низомий Ганжавийнинг "Хамса" ижод килишдаги адабий маҳорати.....	58
<i>Сулaimонов Н.</i> Қорий Хўкандийнинг Алишер Навоий газалига мухаммаси тахлили.....	61
<i>Akhmedova S.</i> Traditions of Fuzuli in creativity of members "Mejmeush-shuara".....	65
<i>Мухиддинова Б.</i> Алишер Навоий ва Саидлахмад Васлий ижодида маърифий гоё ҳамда бадий муштараклик.....	68
<i>Muhammadiev A.</i> TRADITIONS OF THE NAQSHBANDI SECT IN THE WORKS OF ALISHER NAVOI.....	71
<i>Холиқулова Г.</i> Мирий маснавийлари.....	74
<i>Сувонова Ж.</i> Мумтоз дostonчилик аъёналарининг ўзбек шеърятдаги бадий тадқиқи.....	77
<i>Тоғжибоева О.</i> Таржумбанди хомса "Хамса"га издошлик маҳсули.....	82
<i>Мухиддинова Н.</i> Алишер Навоий "Хамса" дostonлари мумтоз аъёналарининг Мирхасан Садоний ижодидаги бадий тадқиқи.....	84
<i>Хасанова М.</i> Мумтоз эшик поэзия таркибидида учровчи маҳлаларнинг туркий касидалар тараккиётида тутган ўрни.....	87
<i>Қосимова Г.</i> Бобур ва мумтоз дostonнавислик.....	91
<i>Шуқуров Ф.</i> Амир Темурнинг адабиёт аҳлига муносабати.....	92
<i>Муминова Д.</i> Мумтоз адабиётимизда маснавийнавислик ва номанависликнинг ўрни.....	96
III. XV аср Хуросон адабий муҳити ва унда Жомий ҳамда Навоийнинг мавқеи. Абдурахмон Жомий адабий мероси.	
<i>Nomidov D.</i> Abdurrahmon Jomiydan Alisher Navoiyga yozgan maktublar tilining ayrim xususiyatlari.....	99
<i>Холмуродов А.</i> Икки миллатнинг улуғ сиймолари.....	102
<i>Юсупова Д.</i> Усмоли турклар ҳамсанавислигида абдурахмон жомий аъёналари.....	106
<i>Элбоев В.</i> Суфийские мотивы в поэме «Юсуф и Зулейха» Абдурахмана Джамии.....	112
<i>Самадов А.</i> Ижодий ҳамкорликнинг гўзал ва ибратли тимсоли.....	122
<i>Sobirjonov S.</i> Abdurrahmon Jomiy va Alisher Navoiy javobiya g'azallarida tavsif va maqtoqlar ifodasi.....	126
<i>Джураева С.</i> Характеризация имени Зулейха и его контекстуальные синонимы в «Юсуф	131